




БОЙСУН ТУМАНИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ



БОЙСУН ТУМАНИНИНГ ТУРИСТИК ХАРИТАСИ

Худуддаги туризм маршрутлари



БОЙСУН ТУМАНИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Туман тўғрисида қисқача. Сурхондарё вилояти таркибидаги туман. 1926-йил 29-сентябрда ташкил этилган. Шимол-шарқдан Сариосиё тумани, шимол-ғарбдан Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани, ғарбда Дехқонобод тумани, жанубдан Қизириқ, Бандихон, туманлари, жануби-ғарбдан Шеробод тумани билан чегарадош. Майдони 3,72 минг км². Бойсун туманида доимий аҳоли сони 115.9 минг кишини ташкил қилади. Аҳолининг 23.9 минг нафари шаҳарда, 55.1 минг нафари қишлоқ жойларида яшайди. Аҳолиси асосан ўзбек ва тожиклар, шунингдек, туркман, татар, афғон ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Туманда 1 та шаҳар Бойсун, 7 та қишлоқ фуқаролари йиғини (Авлод, Бойсун, Дарбанд, Мачай, Работ, Сарёб, Қўрғонча) мавжуд.

Тарихий объектлар.

Этнографияси.

Туристик объектлар.

Гастрономик ўзига хослиги.

Туризмнинг ривожланган турлари.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ

	Темир йўл қатновлари. Тошкент-Бойсун темир йўл вокзалидан орқали қатновлар амалга оширилади
	Автобус қатнови. Тошкент-Бойсун, Термиз-Бойсун йўналишларида автобуслар белгиланган жадвал асосида ҳаракатланади. Бойсун автовокзали, Бойсун шаҳар, Олмазор кўчасида жойлашган.
	Такси хизматлари. UzTaxi 999621111

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИЛАР

Туристтик корхоналар (Туроператорлар)	Гид-экскурсоводлар
1. “Orientours” МЧЖ (ТДШУ) 2 ва 3 кунлик тур пакетлар Orientours.uz 2. “Monuments of Buddhism” мобил иловаси тарғиботи (Ҳиндистон, Хитой, Японияда).	

Қўшимча маълумотлар.

Хавфсиз туризм учун қисқа рақамлар

Police – 102

Ambulance – 103

Call centr for tourists – 1173

Банк тўлов хизматлари

Ипотека банки

Манзили: **Бойсун** Шаҳар,
Омонтепа кўчаси 35уй
Тел: 99 878 150 11 22

Қишлоққурилиш банки

Манзили: **Бойсун** Шаҳар, Омонтепа кўчаси 35 уй
Тел: 99 878 150-11-22

Халқ банки

Манзили: **Бойсун** Шаҳар, Меҳридарё кўчаси 10 А уй
Тел: 99 899 715 64 14

БОЙСУН ТУМАНИ ТУРИЗМ ОБЪЕКТЛАРИ

1. ЗОВ БОШИ

Зовбоши – Бойсун туманининг тоғли ҳудудидир. Ушбу маданий ҳудудда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ташаббуси ва “Idealist” компанияси томонидан анъанавий қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи 3 та кичик - маданий, тиббий ва табиат туризми марказлари ташкил этилади. Бойсун баҳори халқаро фольклор фестивали ўтказиладиган Паданг кенгликларининг юқори қисмида жойлашган. Зовбоши ҳудуди орқали Бойсун туманининг гўзал табиати бор жозибаси билан кўринади.



2.



Бойбўлоқ

Бойбўлоқ – Осиёдаги энг чуқур ғор Бойбулоқ бўлиб, у Бойсун туманида, Ҳисор тоғ тизмасининг Сурхондарё қисмида жойлашган. Маҳаллий аҳоли бу ерлардаги тоғларни алоҳида-алоҳида номлаб, Бойсунтоғ, Чўлбайир ва Девортоғ деб ҳам аташади. Бу тоғларда бир нечта ғорлар бор. Улар орасидаги энг машҳурлари Хўжа Ғур-Ғур Ота, Вишневский ва Бойбулоқ. Бойбулоқнинг чуқурлиги 1415 метр. Ғорни ўрганган Россия, Франция ва Швейцария ғоршунослари унинг бундан ҳам чуқур эканлигини айтишиб, Ўзбекистоннинг ер ости Жомолунгмаси, деб таърифлашади.

Ғоршунослар Бойбулоқ ва Вишневский ғорлари уланган эҳтимолий йўлакни излашмоқда. Ғорлар жойлашувига қараганда улар битта бўлиши керак. Аммо ичкарида ғор йўлаклари баъзан жуда тор ва кўпи ҳали топилмаган. 1415 метр чуқур Бойбулоқ ва қарийб 750 метрлик Вишневский улангани исботланса, улар дунёдаги энг чуқур ғорлардан бири бўлади. Лекин буни ўрганиш ўта қийин кечиоқда. Аввало бу ғорларга кириш жойи 3-4 минг метр баландда жойлашган.

Бойбулоқ оғзи жуда кичик ва кўримсиз. Битта эчки сиғади. Одам ўрмалаб кириши мумкин. Шу туришида унинг Осиёдаги энг чуқур ғори эканига ишониш қийин. Аммо ғор оғзига эгилишингиз билан юзингизга ўта совуқ ҳаво уфуради. Изланишлар жараёнида мутахассислар Бойбулоқда кўл ва дарёларни топишган, қор ҳам борлигини қайд этишган.



3. Дарбанд қишлоғи

Дарбанд қишлоғи – Сурхондарёнинг Бойсун туманида жойлашган. Дарбанд сўзи форсчадан дар — эшик, дара; банд — мустаҳкам, берк, тўсиқ деган маъноларни англатади. Қишлоқ қадимдан катта аҳамиятга эга, транзит вазифасини бажарган. Қишлоқ орқали ўтган йўл Бухоро амирлиги даврида амирликнинг ғарбий қисмини шарқий қисми билан боғловчи энг яқин йўл ҳисобланган. 1929 йилда Термизга темирйўл олиб келинганидан сўнг қишлоқ ҳудудидан ўтган йўл ўз аҳамиятини йўқотган. Лекин ҳозирда ҳам қишлоқ ҳудудидан ўтган йўл Қашқадарё ва Сурхондарёни боғловчи йўللardan бири.

Дарбандда учта дара бор, биринчиси Дарбанд дараси, иккинчи дарани кўпчилик Дарбанд канёни деб атайдди. Учинчиси эса Бузрукдара, яъни буюк дара деб аталади. Дарбандга келишнинг энг афзаллик тарафи, поездда боришингиз билан қишлоққа тушасиз, яъни поезддан тушиб яна қанчадир йўл юриб манзилга боришга ҳожат йўқ. Энг яхши тарафи — ҳар куни поезд бор, ҳафтада икки кун водийдан ҳам поезд боради.



4. Темир дарвоза


Бутун Марказий Осиёдаги энг сирли жойлардан бири, Бойсун туманида, Дарбанд кишлоғи ҳудудида жойлашган машҳур Темир дарвоза тоғ довонидир. Антик давр ва ўрта асрларда Темир дарвоза асосий ўтиш жойи, муҳим стратегик жойни эгаллаган ҳудуд бўлган, чунки у орқали кўплаб савдо қарвонлари ва ҳарбий қўшинлар ўтган. Бу Бухоро, Самарқанд ва Чоч (Шош)дан Бактрия ва Ҳиндистонга, Ҳиндистон ва Бактриядан эса Марказий Осиёнинг марказий шаҳарларига қайтишнинг энг қисқа йўли эди. Темир дарвоза ҳақида туркий, сўғдий манбаларда ҳамда, хитой, араб тарихчилари ва географларининг ёзма манбаларида бир неча бор тилга олинган. 630-йилда сайёҳ Сюантсзанг ўз ёзувларида дарани темир билан қопланган ва икки баргли дарвозалар билан қулфланган мудофаа йўлаги сифатида тасвирлаган. Машҳур араб географи Ал-Ёқубий IX асрдаги Сўғд шаҳри ҳақида гапириб, бу парчани ҳам эслатиб ўтади. Бошқа бир Хитой йилномасида шаҳар, маъбад ва Темир дарвоза ҳақида сўз боради, улар ўз номини ранг ва темирдан олган. Араб адиби ва тарихчиси Ибн Арабшоҳ дарвозани “Қагалгар” деб атаган, хусусан, бу ҳудудда Амир Темурнинг амир Ҳусайн билан бўлган жанги ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Унинг икки шеърида Сўғдиёна дарвозаларини Алишер Навоий ва Бобур “Бобурнома” асарида тилга олган. Дарвозадан испан дипломати ва саёҳатчиси Руй Гонсалес де Клавихо ўтди. У Амир Темур ҳузурига учрашиш учун Мовароуннаҳрга кетаётиб, ўзининг “Самарқандга Темур саройига саёҳат кундалиги”да (1403-1406) ўзининг дарвозадан ўтган саёҳатини батафсил тасвирлаб берган:

“Ертаси куни, душанба куни биз баланд тоғ этагида дам олаётган эдик, унинг тепасида ғиштдан моҳирона қурилган, кўплаб нақшлар ранг-баранг қўшинлардан ясалган ҳоҳ шаклидаги гўзал бино турарди. Бу тоғ жуда баланд, лекин унинг йўлаги бор, уни инсон қўли билан ясаганга ўхшайдиган ёриқ бўйлаб кесиб ўтиш мумкин: икки томондан баланд тоғлар кўтарилиб, текис ва жуда чуқур. Бу довоннинг ўртасида қишлоқ бўлиб, унинг тепасида баланд тоғ тўпланган. Тоғлардаги бу йўлак эса Темир дарвоза деб аталади ва бу минтақада бундан бошқа йўлак йўқ. У Самарқанд подшоҳлигини Кичик Ҳиндистон томондан ҳимоя қилади. Самарқанд эрларига эса ундан бошқа ўтиш йўли йўқ; худди шундай, Самарқанд салтанати аҳолиси Ҳиндистон ерларига фақат шу йўлак орқали кира олмайди. Бу Темир дарвоза Сенор Тамурбекга тегишли. Ва улар ҳар йили унга катта даромад келтирадилар ».

Бундан ташқари, Руй Гонсалес де Клавихо Дарбанд қишлоғига яқинроқ жойлашган яна бир Темир дарвозани эслатиб ўтди. Кейинчалик академик Эдуард Ртвеладзенинг ҳулосасига кўра, Темир дарвозалар табиий тузилмалардан ҳам, сунъий равишда яратилганлардан ҳам шаклланган бутун мудофаа иншоотлари мажмуасининг умумий номи бўлиб, улар Бузгалахон дараси ва ҳозирги Дарбанд қишлоғи орасидаги ҳудудни эгаллаган. Дарани тарихчилар, геологлар ва ёзувчилар: Николай Маев, Иван Мушкетов, Ольга Пославская, Дмитрий Логофет, Михаил Массон ўрганишган. Археологлар қазилар ишлари олиб бориб, қадимий манзилгоҳлар, ўрта аср қарвонсаройининг пойдевори, Қўшонлар салтанатининг мудофаа девори каби ёдгорликларни топдилар.

Тарихчи Эдуард Ртвеладзе томонидан қилинган энг қизиқ хулосалардан бири Македонский Александрнинг рафиқаси Роксананинг отаси - Оксиартнинг ушбу ҳудуддаги бошпана жойи ҳақидаги хулосадир. “Сўғд қояси”да у македонияликлар томонидан Сўғдиёнадаги бўлиб бўлмас табиий қальаларни эгаллаб олиш вақтида яширинган. Искандар айнан Дарбандда Бақтрия маликаси Роксана билан тўй ўтказган, деган фикр ҳам бор. У гўзал ва гуллаб-яшнаган қиз сифатида тасвирланган, Искандар зиёфат пайтида айлана рақсга тушганида уни севиб қолган.

Бир неча минг йиллар давомида сирли Сурхондарё босқинчилар, саёҳатчилар ва кашфиётчиларнинг эътиборини тортди. Ўзбекистоннинг энг жанубий минтақаси ўзининг қадимий обидалари, табиий диққатга сазовор жойлари ва маданий мероси билан ўзига хосдир.



5.Паданг кенглиги


Сурхондарёнинг Бойсунидаги Паданг қишлоғини эшитганмисиз? Бойсундан чиқишда ўша машҳур Омонхона қишлоғига етмасдан чапга кирилади.

Паданг қишлоғидан 8 км нарида магнитли тоғ бор. Бир қараганда, баландликка чиқилаётгандек кўринадиган бу қияликда тезлик узатмаси нейтрал ҳолатга қўйилса ва тормоз босилмаса, баландликдан тушиб келаётган машина яна орқага кетади. Йўлга сув қуйилса — у ҳам тепага қараб оқади. Бу ҳудуд — Паданг аномалияси номи билан машҳур Таъкидлаш жоизки, бу каби ноёб ҳодисаларга Исроил (Бейт-Шемеш), Иордания (Иблис дараси), Ҳиндистон (Ладхак), Ўрта Урал (Невьян тумани) ва Жанубий Корея (Чезудо)да ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.



6. Тешиктош ғори

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Тургандарёнинг Зовталашгансой дарасида, денгиз сатҳидан 1500 м бал.да жойлашган. Ғорнинг шипи тешик, номи ҳам шундан, кириш қисми шим.шарқ томонга қараган бўлиб бал. 7 м, эни 20 м, уз. 21 м. Унинг умумий майдони 300 кв м бўлиб, шундан 100 кв. м жойи неандерталлар яшаганлигидан гувоҳлик берувчи археологик материалларга эга. Тешиктош ғори яшаш учун қулайлиги туфайли ғорни вақт вақти билан сув босиб туришига қарамасдан неандертал одамлар уни бутунлай тарк этмаганлар. Ғорни биринчи марта 1938—39 йилларда А. П. Окладников о'рганган. Тешиктош ғори 5 та маданий қатламдан иборат бўлиб, бу манзилгоҳ бир неча маротаба тарк этилганидан далолат беради. Ғорнинг ҳар бир қатламида биттадан ва баъзиларида иккитадан гулхан қолдиқлари сақланиб қолган. Гулханлар атрофида кўплаб тоғ эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қуён ва ҳар хил қушларнинг суяк қолдиқлари, 3000 га яқин тош буюм, тош учириндисида тайёрланган учбурчак шаклдаги 24 та қурол, қирқувчи ва тарашловчи сифатида ишлатилган 65 та қирғич, пайконлар, тош пичоқлар топилган. Мустайе маданиятига оид бу хиддаги қуролларнинг кўпчилиги қорамтир кремнийли оҳактош яшма, кварцит ва бошқа вулканий тош жинслардан ясалган. Тешиктош ғори топилмаларининг энг қимматлиси 25 см чуқурликдан топилган.



7. Мачай.



Мачай ғори — Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида жойлашган ибтидоий одамлар манзилгоҳи (мил. ав.12-6-минг йиллик). Кўҳитанг тоғи яқинида, Мачайдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ў.Исломов томонидан ўрганилган (1970-71). Мачай ғорининг бал. 3,5-4 м, уз. 8 м, кенглиги 10 м га етади. Икки маданий қатламдан иборат: устки қатлам мезолит даврига, тепа қатлам мезолит сўнгги ва илк неолит даврига оид. Мачай ғоридан меҳнат қуроллари, ёввойи ҳайвонларнинг суяклари, озиқ-овқат қолдиқлари чиққан; ушбу маданий қатламнинг қалинлиги 40 см га етади, бу эса шу ғорда узоқ вақт давомида ибтидоий одамлар яшаганидан далолат беради. Меҳнат қуроллари тайёрлашда ёввойи ҳайвонларнинг суякларидан фойдаланилган. Қуролларни (тешкичлар, камон о'қлари) тайёрлаш жараёни бирмунча тезлашади. Бундан ташқари, тошдан тайёрланиши жуда қийин бўлган тешикли игна, понасимон ва тишли асбоблар ва бошқа қуроллар каби тамомила янги қурол шаклларида фойдаланиладиган бўлган. Тош қуроллар, пайконлар, ботиқ тигли қуроллар, кескичлар ва бошқа қурол турларининг сони ортган.

8. Омонхона

Бойсун шаҳридан шарқий томонда жойлашган Шўрчи туманига қараб кетадиган катта трасса йўлининг олтинчи километрида Омонхона қишлоғи жойлашган.

Маҳаллий аҳоли гувоҳлик беришича, ушбу қишлоқнинг тарихи XIV асрга бориб тақалади.

Ривоят қилинишича XIV асрда Термиздан Омонхонага келган Хазрат Султон Валий Балогардон ҳозирги Омонхона қишлоғига келиб таҳорат учун сув

излаган. қўлидаги илоҳий ҳассасининг учини ўзи устига чиқиб турган тошнинг юзасига санчган. Ҳассасини тошдан олганида ундан жилдираб тиниқ сув оқиб чиқа бошлаган. Ҳозирги кунда бу булоқ Катта Бошбулоқ номи билан машҳур.

Шунингдек, Ҳазрати Султон Валий Балогардон соҳибқирон Амир Темур билан Омонхона ғоридан унча узоқ бўлмаган Дийдоракам қишлоғида учрашган. Ривоят қилинишича, ушбу учрашувдан сўнг Амир Темур Омонхона қишлоғининг қибла томонидаги кўрғонак, тоғ томони Совуқбулоқ, паст томони Пудинабулоқ, кунчиқар томони қарли=-Ўпкатош оралиғидаги ерларни Ҳазрати Султон Валий Балогардонга муҳрлаб берган ва барча солиқлардан озод этган. Маҳаллий аҳолининг гувоҳлик беришича, ушбу вақфнома Бухоро амири Олимхон давригача сақланган ва амир ҳам унга ўз мухрини босган. Аммо, шўролар даврида ушбу вақфнома номаълум жойда беркитилиб ҳозиргача топилмаган.

Омонхона ғори ҳақида

Ёппакамардаги машҳур шифобахш булоқдан тўрт-беш метр баландликда Омонхона ғори деб аталувчи чоғроқ ғор мавжуд. Ғорнинг оғзи анча тор-бир киши сиқилиброқ ўтади. Ғорнинг оғзидан тубига томон элтувчи йўлак деярли тик (чуқурлиги 3-3,5 метрлар) тушган. Сўнгра бир-икки метр ёнроқ юрилиб зал қисмига ўтилади. Ғорнинг туби анча кенг зал кўринишида бўлиб, залнинг ости нам тупроқ аралаш майда тоғ тошларидан иборат. Ғор залининг умумий майдони 50-60 квадрат метрларга тенг келади. Остидан шифтигача бўлган масофа икки метрдан тўрт метргачани ташкил этади. ғорнинг ичи ёз ойларида анча паст температурада - 5-6 градусгача деярли ўзгармай туради. Бу мавсум камида беш ойдан ортиқроқ вақт давом этади. қиш ойларида эса ҳаво температураси ғор ичида кўтарилиб, 20 градус иссиқликкача етади.

Омонхоналикларнинг гувоҳлик беришларича, уларнинг ота-боболари кўп асрлардан буён ёз ойлари иссиқда тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини асрашда шу ғордан фойдаланиб келишган. Ғорга асримиз бошларида баъзи йиллари 500-600 донагача қорин ёғи сақланиб, уларнинг баъзилари 18-20 килограммгача бўлган экан.

Омонхона ғорига омонхоналиклар билан бирга ўша атрофдаги Тангимуш, Сариқамиш, Пудина, Жарқишлоқ, Пулҳоким, Кофирин, Ажрим каби қишлоқларнинг аҳолиси ҳам ўз озиқ-овқат маҳсулотларини келтириб қўйишган. Шунинг учун бўлса керак, аҳоли ғорни «Омонхона музлаткичи» ҳам дейишади.

Ғорга шу ерлик аҳоли томонидан сайлаб қўйилган ишончли ва эътиборли бир кишигина кириб чиққан. Асримиз бошидан ҳозиргача ғор-музлаткичга бор-йўғи беш киши – Остонакулбой, Худойкулбой, Ҳайдарбой, Норбой ва 1994 йилдан бошлаб Ҳайдарбойнинг ўғли Ҳамро ака устига исм - фамилияси, қишлоғининг номи ёзилган қорин ёғларини ғорга киритиб, керак бўлганда эгаларига олиб берапти. Ғорга териб қўйилган қорин ёғлар ташқи об-ҳавонинг ҳар қандай иссиғида ҳам эримасдан, сифати бузилмай туради.

Энг ажабланарли томони шундаки, Омонхона ғорига ўғри тушмайди. Мушук ёки тулки кирмаслиги учун ғор орзига шунчаки оғирроқ тош бостириб

қўйишади. Фордан рухсатсиз бирор дона қорин ёғини ўзга киши олиб чиқиши қатъиян ман этилган. Ҳатто ўзига тааллуқли қорин ёғини олиб чиққан киши ҳам ўғри саналган. Фордан ёғ ўғирлаган ҳар қандай кишининг пес касаллигига чалинганига омонхоналикларнинг ота-боболари гувоҳ бўлишган. Ҳатто бундай воқеа асримиз ўрталарида ҳам юз берган экан ва касалга чалинган ўғри киши қишлоқдан чиқиб кетган



Шифобахш булок

Омонхона булоғи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н.А.Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-текшириш институтида ўрганилганда, унинг суви таркибида сульфатиони 71 мг. экв, магний иони 44 мг. экв, азот иони 80 мг. экв, р. Н,-8,0 эканлиги аниқланди. Бундан ташқари булок сувининг таркибида кремний кислотаси, темир, алюминий ва бошқа кўплаб микроэлементлар мавжуд бўлиб, сульфат ва магний ионлари меъёргаидан бир неча баробар кўплиги учун юқори даражада ўт сурувчи, сийдик ҳайдовчи ҳамда қон босимини туширувчи хусусиятларга эга. Сувнинг санитария-бактериологик кўрсаткичлари талабга тўлиқ жавоб беради.

ГОСТ №2 13273-88 талабига биноан мазкур сув қуйидаги хасталикларни инсон танасидан йўқота олади:

1. Сурункали гепатит (сарик касаллиги).
2. Сурункали холицистит (ўт пуфаги ва йўллариининг яллиғланиши) .
3. Ошқозон - ичак системасида учрайдиган барча касалликлар (гастрит, дуодент, колитлар).

4. қандли диабет.

5. Ошқзон ости безининг яллиғланиши (панкреатит) .

Бундай таркибли сув инсон танасини, айниқса, жигар, ўт пуфаги йўлларини тылиқ ювиш қувватига эга. Уни тана ички организмларини ювишда қўлланиладиган замонавий гемодез суюқлиги билан солиштирадиган бўлсак, фойдали ва зарарсизлиги томонлари билан Омонхона булоғининг суви ундан бир неча бор устун туради. Энг фойдали ҳисобланган ҳар қандай кучли кимёвий дори-дармон ҳам хаста организмни даволаши билан бирга албатта, иккинчи бир организмга салбий таъсир кўрсатади. Бундан кўриниб турибдики, табиий дори-дармонлар организмга қанча секин таъсир этмасин, шунча мустаҳкам ва ишончли даволайди.

Оромгош-шифоҳонамиз фақат шифобахш сув билангина эмас, ўзининг ўрнашган географик муҳити, манзараси, баҳаволиги билан ҳам беморларнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. «Омонхона» оромгоҳ-шифоҳонаси икки катта - Палангхона ва Омонхона сойликлари туташган жойда ўрнашган. Ҳар иккала сойлик ҳамбаланд тоғликлар билан ҳралган кенг даралардан бошланади. Палангхона ва Омонхона деб номланадиган бу даралар ҳадсиз тоғ арчазорлари билан қопланган. Азалдан маълумки, арчазорлар ўзидан инсоният учун энг зарур бўлган кислород ажратиб чиқаради. Шунингдек, улар тоғ булоқларини сув билан таъминлашда асосий манба ҳам ҳисобланади. Омонхонага келган беморлар даршол нафас олишларининг енгил бўлганлигини ҳис этишади. Юқорида таъкидлангандек, беморлар ҳам сув, ҳаво ёрдамида ўз дардларидан фориғ бўлишади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Омонхона сувининг ниҳоятда шифобахш бўлиши билан бирга булоқ жойлашган Ёппакамар ҳавоси илмий асосда текшириб кўрилганда ҳавонинг ионлашув даражаси 1800 ни ташкил этиши аниқланди.

9. Тангисар каньони

Американинг Аризона каньонларидан фарқ қилмайдиган Бойсун тоғ даралари қўйнида Тангисар каньони табиат зонаси.



10. Хужакучкорота

Ушбу зиёратгоҳ маҳаллий аҳамиятга эга зиёратгоҳ бўлиб, зиёратгоҳга келувчилар сони кўп. Бунинг асосий жиҳати зиёратгоҳ тоғ ён бағрида жойлашган бўлиб, зилол сувлар, шифобахш булоқлар, мавсумий шаршара ва экотуризм дам олиш масканлари мавжуд. Ушбу маскан 4 фаслда ҳам ўз жозибасига эга.

11. Хужамайхона



Сурхондарё Ҳисор, Боботоғ, Кўҳитанг, Бойсун каби пурвиқор тоғ тизмалари бағрида жойлашган бўлиб, табиат мўъжизаларига бой, сўлим гўшалари, бетакрор табиат манзаралари ва танга даво шифобахш булоқ сувлари билан ҳам танилган, сайёҳларни мафтун этган.

Бойсун туманидаги Хўжамайхона булоғи азалдан маҳаллий аҳоли ўртасида шифобахшлиги билан машҳур бўлган. Мафтункор табиат манзаралари қўйнидан сизиб чиқаётган оби-ҳаёт ўта тиниқ ва йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдек салқин бўлиб туради. Уни истеъмол қилган ёш-кексага қувват улашиб, қалбига хушнудлик бағишлайди. Шу боис булоқнинг сиру-синоати бу сувдан истеъмол қиладиган Дарбанд қишлоғи аҳлини қизиқтириб келган.

Жуда кўп йиллардан буён Россияда ишлайдиган шифокор ҳамқишлоғимиз бор,— дейди дарбандлик Равшан Аманқулов.— Ўзи зўр кардиолог. Шу киши бир йили меҳмонга келганларида гапдан-гап чиқиб, қишлоғимиз одамлари Хўжамайхона булоқ сувининг хусусиятини ўрганиб беришни илтимос қилган. Шу баҳона сувнинг таркибини таҳлил қилган меҳмонимиз уни “Кавказдаги энг шифобахш сувлардан ҳам шифобахшироқ экан”, дея таъриф бергани, айниқса,

юррак-қон, томир касалликларига даво, деб айтганини эшитган эдим. Шундан буён бу сувни канда қилмай ичамиз ва руҳан тетик бўлиб юрамиз.

Мутахассисларнинг айтишича, булоқдан секундига уч куб сув отилиб чиқади. Сувда бир метргача узунликдаги балиқлар сузиб юради. Лекин, уларни ҳеч ким овламайди. Тепадан пастга қараб, торайиб борадиган сув ғорининг чуқурлиги ҳам ўрганилмаган.

Мўъжизаларга бой Хўжамайхона атрофлари ёз фаслида одамлар, сайёҳлар билан гавжум бўлади. Синовли кунлар ортда қолгач, сиз ҳам бу ерларга келиб, шифобахш зилол сувдан истаганча истеъмол қилинг, гўзал табиат қўйнида мириқиб дам олинг. Ҳозирча уйда қолинг!

Тоғ дара йўлида жойлашган қуёш нури тушмайдиган салқин ва хушманзара маскан. Тоғ бағрида ернинг 300 метрдан ортиқ қаридан сизиб чиқувчи ушбу булоқ сувлари шифобахлиги ва экологик тозалиги билан машҳур

12. Сайроб чинори



Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Сайроб қишлоғи гўзал табиат манзараси, археологик ёдгорликлари, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган минг йиллик чинорлари, шифобахш булоқ суви билан дунё аҳлини мафтун этиб келади. Шу боис бу гўшадан маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг, журналистларнинг қадами узилмайди. Айни пайтда серфайз тоғли қишлоқда "Туризм маҳалласи" барпо этилиб, сайёҳлар учун янада кенг қулайликлар яратилмоқда. Вилоят телевидениеси ижодкорлари Сайроб қишлоғи ва бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида кўрсатув тайёрлади



ЖОЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ



ГАЗА МЕҲМОНХОНАСИ

"Hotel Gaza" Сурхондарё вилоятининг Газо деб номланган гўзал гўшасида жойлашган энг яхши меҳмонхоналардан биридир. Меҳмонхона тинч, қуёшли жойда, Омонхон булоғи ёнида жойлашган.



190400, Boysun, At-Termeziy ko'chasi



+99861 585-23-24



Grand Hotel Boysun

Grand Hotel Сурхондарё вилоятининг Газо деб номланган гўзал ҳудудида жойлашган энг яхши меҳмонхоналардан биридир. Меҳмонхона меҳмонлари ҳар доим қулайлик даражасини ва ҳар бир мижозга индивидуал ёндашувни қайд этишади



663G+W9V, Boysun



+998 99 061 62 17

КАФЕ ВА РЕСТОРАНЛАР



Бахтбек ресторани

Ресторанда миллий ва европа таомлари тайёрланади



Boysun, At-Termeziy ko'chasi



+998 61 585-23-44



Ака-ука мантихонаси

Мантихона ака-укалар томонидан бошқарилади



Boysun, At-Termeziy ko'chasi



+998 99 061 62 17

ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУРИСТИК ОГЪБЪЕКТЛАРИ МАШРУТИ

ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАР (жами ... та объект, ... км, ... вақт сарфи)

1. Чилпиқ қўрғони
2. Жампиқ қала (1,5 км, 20 мин)
3. Қўйи Амударё биосфера резери
4. Сутан Увайс бобо
5. Қизил қалъа
6. Тупроқ қалъа
7. Ахчахан қалъа
8. Аёз қалъа
9. Катта қириқ қиз қалъа
10. Қўрғашин қалъа
11. Джамбас қалъа
12. Бургут қалъа
13. Қўй қирилган қалъа
14. Катта Гулдурсун қалъа
15. Пил қалъа

